

“XVII–XIX АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА ЁРИТИЛИШИ”

Эримматова Гулноза Азимбой қизи – ўқитувчи

Урганч давлат университети, Урганч

gulnozaerimmatova48@mail.com

Аннотация: [Abstract] Мақолада Хива хонлиги тарихига оид маҳаллий, ва хорижий манбалар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: [Key words] Х.А.Буриева, И.Х.Адилов, Д.Гладишев, И.Муравин, Г.И.Данилевский, В.В.Григорьев, И.В.Ерофеева, Бакшилов С.К., У.Х.Шаликенов.

Abstract: The article analyzes local and foreign sources on the history of the Khiva Khanate from a source-studies perspective.

Key words: Kh.A. Burieva, I.Kh. Adilov, D. Gladyshev, I. Muravin, G.I.Danilevskiy, V.V. Grigoriev, I.V. Erofeeva, S.K. Bakshilov, U.Kh. Shalikenov

Аннотация: В статье источниковедчески проанализированы местные и зарубежные источники по истории Хивинского ханства.

Ключевые слова: Буриева Х.А., Адилов И.Х., Гладышев Д., Муравин И., Данилевский Г.И., Григорьев В.В., Ерофеева И.В., Бакшилов С.К., Шаликенов У.Х.

Мақолада XVII-XIX асрларда Хива хонлигининг савдо-иқтисодий муносабатларини ёритувчи рус маҳаллий ва хорижий ёзма манбаларнинг ахборот салоҳияти ҳамда илмий қиймати таҳлил қилинади хусусан, тадқиқотчи Х.А.Буриева мақоласида XVIII-XIX асрларда рус манбаларда Хива хонлиги тарихини ёритган, бунда Россиялик элчи харбий, савдогарлар, В.Н.Татишев асаридаги Хива вилоятлари Хива, Урганч, Хонқа, Адорда, Қурған, Қоратепа, Оратепа, Г.В.Данилевскийни Хива, Кўхна Урганч, Янги Урганч шаҳарлари тўғрисида маълумотларини қайд қилган. Тадқиқотчи Б.Садуллаев мақоласида Шовот тумани Катқалъа қишлоғи худудида жойлашган Катқалъа тарихига оид тарихий маълумотларни эсга олган. Масалан, Анушахон хукмронлиги даврида Катқала сувс-из қолган ва Ёрмиш канали қуришга фармон чиқарган. Кўхна Урганч ахолиси Янги Урганч кўчирилгани, ҳамда Д.Гладишев, И.Муравин, Г.И.Данилевский, В.В.Григорьев асарларида Хива хонлиги, Кат шаҳри канал бўйида қурилиши каби тарихий маълумотлар қайд қилинган.

И.Х.Адилов мақоласида В.А.Перовскийнинг Хивага қарши “Қишки” харбий харакати Устюрт кенглигида талофатга учрашига оид

хулосаларни қайд қилиб, тадқиқотчилар томонидан эълон қилинган тарихий маълумотларни эсга олган. Тадқиқотчи З.И.Зинатуллаев Хива хонлигининг Россия билан савдо ва элчилик алоқа тарихига оид маълумотларда Россия нашрларида ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар асарларида ўрин олган тарихий маълумотларни умумлаштириб, ўз фикр-мулоҳазаларини қайд қилган. Шу билан тадқиқотчи мақола хулосасида Хива хонлиги ва Россия билан савдо-элчилик алоқалари олиб бориши ташқи савдо ва ички савдо алоқалар ижобий аҳамият касб этган дейди. Муаллиф бу масалада тадқиқотчилар ўртасида мунозарага олиб келиши эҳтимоли кўп. Масалан, Россия-Хива ўртасида савдо алоқалар ва элчилик муносабатларни икки тарихий даврга ажратиб ўрганишни тақозо этади. Чунки, бу икки тарихий даврда Россия-Хива муносабатларида илк савдо алоқалари масаласида Россия-Хива манфаатлари тенглиги, қайси даврдан Россия манфаатларига буйсундирилиш масаласи ойдинлаштириш лозим эди.

Тадқиқотчи И.В.Ерофеева XVIII-XIX аср ўртасида Қазақ хонлари ва хон сулолари асарида Хива-Россия ўртасида савдо алоқалари тўғрисида фикр-мулоҳазаларида XVIII асрлар мобайнида қозоқларнинг савдо қарвонларига талончилик қилиш, XVIII аср охири – XIX аср ўрталарида истиқомат қилган қозоқлар Россияга ихтиёрий қўшилиш натижасида қарвон йўллари хавфсизлиги таъминланганлиги масалаларига эътибор берган.

Бакшилов С.К. тадқиқотида Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихи XIX аср биринчи ярмида ўзаро муносабатлари ёритилган, бунда Қозоғистон яйлов худуди халқаро қарвон йули аҳамияти ҳақида мулоҳазаларини баён қилган. В.Я.Басин Россия XVIII аср биринчи ярмида Россия ташқи сийсати тизимини Қозоқистон Дашти Қипчоқ худудида князликларнинг Россияга қўшиб олиниши, халқаро қарвон йули ривожланишидаги тарихий ўрни таҳлил қилинган.

У.Х.Шаликенов XVIII-XIX асрларда Қозоқ аҳолиси Хива хонлиги ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳолиси билан ўзаро алоқалари асарида иқтисодий алоқалари тарихи ёритилган. Европа нашрлари Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар ўрин олган.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган тарихий маълумотлар қуйидаги якуний хулосага келиш имконини яратди. Хорижий адабиётлар ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар асарларида зикр қилинган маълумотларни умумлаштириш асосида назарий-қиёсий таҳлил асосида Хива ва Россия ўртасида XVII-XIX асрларда савдо алоқалари ва дипломатик муносабатлар, Россия империяси томонидан Россиянинг босиб олиниши масалаларини қамраб олган яхлит тарихшунослик фани шаклланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буриева Х.А. XVIII-XIX аср рус манбаларда Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар //Хоразм тарихи. Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч “Наврўз”, 2019-Б 346-351.
2. Сагдуллаев А.XVIII-XIX асрлар ёзма манбаларда Шовот Кат-қалъаси тарихига доир маълумотлар //Хоразм тарихи-Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч, Наврўз.2019-Б 351-355.
3. Адиллов Ж.Х. Генерал В.А. Перовскийнинг Хивага қарши юриши тарихшунослигига доир мулоҳазалар /Хоразм тарихи. Замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч. Наврўз. 2019-Б 355-359.
4. Зинатуллаев З.И. Хива хонлиги ва Россия империяси билан савдо ва элчилик алоқаларининг қисқача тарихшунослиги тахлили Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда-Тошкент-Урганч, “Наврўз” 2019- Б 360-361.
5. Ерофеева И.В.Казахские ханы и ханские династии в XVIII- середине XIX вв //Культура и история Центральной Азии и Казахстана: проблемы и перспективы исследования-Алматы, 1997-С 46-144.
6. Басин В.Я.Казакстан в системе внешней политики России в первой половине XVIII века // Казахстан в XV –XVIII вв (Вопросы социально-политической истории //От вред. Б.С.Сулейманов-Алма-Аты- 1969-С 50-145.
7. Шаликенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях Казакских племен о оседлым и полуседлым населением Хорезма в XVIII-XIX вв-М. 1964- 136 с.
8. Annanepesov M.The khanateut Khiva /Khwarazm //History ot civilirations af Central Asia VNESCO publishrug-Paris.2003.P 63-70. Bredel 4. Arabshahi //Encuclopaedia Iranica E d. E Varshater Vol 11 (3)-1987-P 243-245.